

“МУҲАББАТ” ҲИКОЯСИДА АЁЛ РУҲИЯТИ ТАЛҚИНИ

Хурматой Шералиева

Фарғона вилояти Қува тумани 16- умумий ўрта таълим мактаби
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада Гулчехра Асронова ижодида аёл руҳияти талқини, ҳикоялардаги тасвирнинг бадиийлик нуқтаи назаридан ўзига хослиги, руҳий портрет ва ички монологнинг асар сюжети ҳамда композициясида тутган ўрни, унинг гоявий-бадиий вазифаси борасида илмий-назарий қарашлар ўз ифодасини топган.

Калим сўз ва иборалар: аёл руҳияти, руҳий портрет, ички монолог, бадиий таъсир, сюжет, композиция.

Маълумки, рух ўта муракқаб тушунча. Уни сезги мучаларининг бирортаси билан ҳис қилиш мумкин эмас. Руҳиятга дахлдор нарсаларни кўнгил билан туйиш мумкин холос. Демак, рух одамнинг кўнглига тегишли нарса экан. Инсон ақли руҳни тўла тушунишга оқизлик қиласи. Қуръони Каримда ҳам руҳнинг изоҳини одам тушунолмаслиги таъкидланган. Лекин ҳар бир одам ўзида ақлдан ташқари яна қандайдир бир қудрат борлигини билади. Шунинг учун баъзан одам ақлига маъқул келмаса-да, кўнглига ўтиришган ишни қилгиси келади. Айни шу ҳолат бадиий асарларнинг қаҳрамонларида ҳам ўз аксини топиши керак. Яъни адабий қаҳрамонларнинг хатти-харакатларигина эмас, балки кўнгил кечинмалари ҳам уларнинг табиатларига мувофиқ бўлиши керак.

“Муҳаббат” ҳикоясининг бош қаҳрамони Гулёра. У мактаб битирувчиси. Отасиз ўстани ва онаси бетоб бўлганлиги боисми хомуш кўринувчи бу қиз асарда характер даражасига кўтарилади. Унинг индивидуал тили ўз ҳаёт тажрибаси, дунёқарashi, фаҳм-идроқи, хулқи, маданий савияси ва психологиясини аниқ равшан характерлаб беради.

“Мен духтир бўлмоқчиман, – деди у некбин бир ҳолатда, нигоҳини узоқ-узоқларга қадаб. – Шаҳардаги холам доим ўзим ўқитаман, дейди. Ўшаларникида яшаб, ўқийман. Кейин келиб, онамни даволайман, - дея қўксини тўлдириб нафас олди ва қўшиб қўйди: – Кишлогимиздаги ҳамма касалларни даволайман, Худо хоҳласа!”

Ҳикоя қаҳрамони нутқи орқали унинг кучли руҳий ҳолати тасвиранади. Гулёра гарчи ўқиши учун имконияти йўқ бўлса-да, ҳаётидан нолимайди, мақсадни аниқ белгилайди, шикоят қилмайди. Мана шу гапларнинг ўзиёқ қаҳрамон

ҳақидаги тасаввуримизни ёритади, унинг ҳаётга, яшашга бўлган муносабатини кўрсатади.

Ҳикоя экспозицияси мактаб ўқувчиларининг оммавий ҳашарларга жалб этилиши тасвири билан бошланади. Гулёранинг севги тарихи мана шу воқеаларга уланиб сюжет элементларидан тугунни ҳосил қиласди. Пахта штабида ташкил этилган байрам дастурига ҳаваскор қўшиқчи Бекжон ака ҳам таклиф этилади. Гулёранинг Бекжон акага бўлган муҳаббати шу воқеадан кейин очилади. Биламизки, адабиётшунослик илмида характер маълум ижтимоий фаолият сифатида тасвирланади. Характер, Л.И. Тимофеев айтганидек, образнинг ядроси. Характер биринчи навбатда конкрет ҳаётий шароитда ўз индивидуал хатти-ҳаракатлари ва руҳий кечинмалари билан намоён бўладиган инсоннинг аниқ тасвири. Умуман айтганда қаҳрамоннинг муҳим хусусиятларини аниқлайдиган асосий белгилар мажмуи характер деб юритилади.

Куйидаги иқтибосда Гулёрага хос характер ҳақида янада аниқ тасаввурга эга бўламиз. “Мен... мен уни... яхши кўраман!

У шундай деди-ю, энди сочиқни кўксига босиб, гўё азиз бир нарсасидай бутун вужуди билан қучиб, яна йиғлай бошлади. ...Мана кўрасан, мен албатта духтири бўламан, кейин уни даволайман.

—Сен ҳам... билиб қўй, то духтири бўлмагунимча бошқа ҳеч кимга айтмайман. Манави сочиқни ҳам ювмайман. Унинг кўз ёшларини асраб қўяман...

Бу эпизоддан сезилиб турибдики, сухбатлашувчи икки персонаж бўлажак шифокор - Гулёра ва унинг бўлажак журналист дугонаси сирлашмоқда. Бекжон акага нисбатан кучли муҳаббат қаҳрамон нутқида ва дилида тан олинганлиги ёрқин акс эттирилади.

Сочиқ детали эса ҳикоя қаҳрамонининг ҳис-туйгуларини очиб бериш учун туртки вазифасини бажаради. Бу қуйидаги эпизодда кўринади.

“Айниқса, юзини ёш ювганда... Эр киши йиғласа ёмон бўларкан. Ҳаммамиз дилгир, ҳофиз қўшиғидаги мунгни ўз-ўзимизча юракдан ўтказиб ўтирадик. Шу оғир сукунат ичра даврани шарпадек оралаб ўтган Гулёра Бекжон акага гулдор ҳошияли сочиқ узатди. У аста кўз ёшларини артиб олди. Бир жуфт дардчил хонишдан сўнг қўшиқлар моҳирлик ила шўхларига алмашди”.

Ҳикоя аввалида қаҳрамонимиз Гулёра Бекжон аканинг қўшиқларини эшлиб, унга қўшилиб юм-юм йиғлайди. Бутун жамоани тўлқинлантириб юборган бу образ – Бекжон. Тақдир тақазози билан юрак хасталигига йўлиқсан. Ўзи ниҳоятда келишган, юзидан нур ёғилиб турувчи бу инсон давраларнинг кўрки, барчага манзур бўладиган қўшиқлари билан машхур. Гулёра ҳам кўпчилик қатори уни ёқтиради. Кейинчалик эса бу шунчаки ёқтириш эмас, соғ,

самимий, бегубор муҳаббат экани ойдинлашади. Қаҳрамон севгисини ёлғизгина шу дугонасига айтади. Бу сир неча йиллаб қиз қалбини ёндиради, лекин сиртига чиқармайди, ўз мақсади йўлидан оғишмайди. Бу сабр ва метин ирода аёлларга хос бўлган ички психология орқали намоён бўлади.

Ҳикояда муаллиф Бекжон портретини шундай тасвирлайдики, беихтиёр ўқувчи қалбида унга нисбатан ачиниш ҳиссидан кўра баландроқ туйғу пайдо бўлади. “Бекжон аканинг рубобни сайратиб айтган қўшиқлари кўнгилларни сел қилиб юборди. Худо бу одамга ҳамма томондан берган экан: овоз, саҳт-сумбат, истара дейсизми. Қўлида гулдек хунариям бор – бу депарада унга teng келадиган уста йўқ, рубобини ҳам ўзи ясаган. Фақат соғлиқдан қисган. Юрагида иллат бор дейишади. Ёши ўттизга тақалиб қолган бу йигитнинг ҳануз оила қурмаганлиги ҳам шундан экан”.

Ҳикоя қаҳрамони Гулёранинг ички “Мен”и унинг ўз олдига қўйган мақсади сари илдам одимлашида кузатилади. Орадан анча вақт ўтади. Муаллиф ички монологида кузатилган Гулёранинг шифокор бўлиши, Бекжон аканинг тузалиши ва уларнинг бирга баҳтли бўлишлари сароблигича қолади. Ҳаёт ўз ўлчамлари билан давом этади.

Ёзувчи воқеалар ривожини аста - секинлик билан аниқлаштиради. Йиллар ўтиб маълум бўладики, Гулёра оила қурмабди.

Тиббиёт институтига мақола тайёрлаш учун борган муаллиф саҳнада Гулёрани кўриб қолади. У худди Бекжон аканинг касаллиги бўйича илмий тадқиқот ишини намойиш этарди. Ҳикоячи дугонасининг кўзларига боқар экан қалбида ўша саволлар жаранглайди.

“Ўша сочиқ... ювилдими, Гулёржон? Кўз ёшларинг қуридими, Гулёржон?..”

Маъруза тугагач, зални карсак садолари тутиб кетди. Гулёра эса негадир жойига қайтишга шошилмай бир оз туриб қолди-да, сўнг ёнма-ён ўтирганлардан бирига нимадир деганди, уни саҳна ортига кузатиб қўйишиди. Шу бўйи ғойиб бўлди...“

Асар қаҳрамони ўз олдига қўйган мақсадига эришади. Яъни тиббиёт институтида ўқиб, илмий ишини ўз севган инсонининг касаллиги бўйича ҳимоя қиласи, лекин афсуски, бу пайтда Бекжон ака олмни тарқ этган эди. Гулёра образи муайян шахснинг руҳий олами, ҳиссий бойлиги, қатъиятлилиги, соғ туйғулари орқали онгли акс этади.

Шу ўринда адабиётшунос олим Б.Саримсоқовнинг “Бадиий образ – ижодкор шуури, эстетик идеали, дунёқарashi, мақсади ва ғояси орқали синтезлашган воқеликнинг инсон руҳиятининг муҳим қирраларини муайян нарса, туйғу ва кечинмалар тимсолида алоҳида бетакрорликда умумлаштирилган, эстетик қимматга молик инъикосидан иборат” – деган

фикрларидан келиб чиқсан ҳолда Г.Асронованинг “Мұхаббат” ҳикояси қаҳрамони - Гулёра образи - ёзувчининг ғоявий мақсадини очиб беришга хизмат қиласы. Икки дугона қайта учрашмайды. Журналист қиз уни топиши мүмкін еди, бироқ Гулёранинг яраларини янгилаб қўйишдан қўрқади.

“ Эҳтимол, энди ҳаммаси равshan бўлган, буюк туйғу уни жўшқин ҳаётга, оламшумул қашфиётларга ундаётганини билиб, қалбим таскин топгандир?...” журналист қизнинг ички монологи ҳикояга якун ясайди.

Адиба тасвирида бадиий мукаммалликка эришиш учун зарур тасвири воситаларидан жуда унумли фойдалана олган. Унинг ҳар бир ҳодисага, нарсага, белгига бефарқ қарамаслиги, ҳар бир деталдан ўзига хос қирраларини топа олиши ҳикояларида бадиий мукаммалликка эришишнинг энг муҳим омили бўлиб қолган.

Адабиётлар:

1. Гулчехра Асронова. Остонангда турибман, дунё. Тошкент. “Ўзбекистон” нашр. 2019.
2. Тимофеев Леонид Иванович. Теория литературы. Москва. Учпедгиз.1946.
3. Б.И.Саримсоқов. Бадиийлик асослари ва мезонлари. Тошкент.2004.
4. Т.Бобоев. Адабиётшунослик асослари. Тошкент. “Ўзбекистон” нашр. 2002.